



## НАМАНГАНДА ТОЗА ИЧИМЛИК СУВИ УСТИДА ТЎПОЛОН



Маълумотларга кўра, вилоят насос станциядаги сувни етказадиган агрегатлар хали ҳам эски, янгиланмаган. 60 -70 йиллардаги собиқ СССР давридан қолган агрегатлар. Аслида тоза ичимлик суви билан боғлиқ муаммо Ўзбекистоннинг барча вилоятларига таълуқлидир. 2008 йилдаёқ «Ўзбекистон Экологлари» ижтимоий ҳаракати аввал Оролбўйи ҳавзасида кузатилган ичимлик суви сифатининг бузилиши республиканинг бошқа ҳудудлари томон кенгайиб бораётганини таъкидлаганди.

Мутахассислар ичимлик суви сифатининг пасайиб бораётганини биринчи навбатда шўрланиш, кейин ерости сувларидан фойдаланишни нотўғри ташкил қилингани билан боғлашади. Шу билан бирга, уларнинг фикрича, саноат ва маиший чиқиндиларни ҳам бу жараёнга таъсири бор. Шу боис кўп жойларда ичимлик сувининг сифати пасайиб кетмоқда. БМТнинг сув ресурсларини баҳолаш бўйича бутунжаҳон дастури ҳар уч йилда ҳисобот эълон қилади. Ўзбекистон мазкур ҳисоботларда 2009 йилдан дунёдаги сув тақчиллиги кучли сезилаётган давлатлар тоифасига киритилган.

Ўзбекистонда ичимлик суви асосан ер ости манбалар ҳисобидан таъминланади. Ер ости чучук сув ресурслари Фарғона водийси (34,5%), Тошкент (25,7%), Самарқанд (18%), Сурхондарё (9%) ва Қашқадарё вилоятлари (5,5%)да жамланган.

Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятлари маҳаллий оби ҳаёт манбаларидан деярли маҳрум. БМТнинг “Сув – Ўзбекистон келажаги учун муҳим ҳаётий ресурс” тадқиқотига кўра, республика аҳолисининг қарийб тўртдан бир қисми (6 миллиондан ортиқ киши) ифлосланган сувнинг салбий таъсирини ҳис қилмоқда. Халқаро ташкилотлар неча йилдирки, Қорақалпоғистон ва Хоразм аҳолиси ичаётган сув амалдаги стандартлардан бир неча тош нарида экани ҳақида бонг уради.

Давлат Санитария-эпидемиология идораси ҳам ушбу ҳудуддаги водопровод суви кимёвий таркибига кўра 18,7 дан 75 фоизгача давлат стандарти талабига жавоб бермаслигини тан олган. Мутахассислар Самарқанд вилоятидаги Зарафшон, Тошкент вилоятидаги Чирчиқ ва Оҳангарон, Фарғона вилоятидаги Сўх сув манбаларининг ҳам таги кўриниб қолаётганига эътибор қаратади.

**ЎХХ ахборот бўлими**

Фарғона водийси вилоятларида ичимлик суви танқислиги муаммосибирнечайилларданбериҳалқилинмаганмуаммолардан саналади. Вилоятлар аҳолисининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжи юк машиналарида олиб келиб сотиладиган ичимлик суви ҳисобидан қаноатлантирилмоқда. Бирок, сўнги пайтларда ёқилғи таннархининг ошиши, техник ва бошқа сабабларга кўра ичимлик суви ташувчи юк машиналарининг ҳам қатнови сушлашиб қолган.

Бу эса вилоят аҳолисининг бир неча кунлаб ичимлик сувини кутиб қолишлари, охир оқибат сув устида тортишувлар келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Наманган вилоятидан келган хабарларга кўра аҳоли юк машинасида олиб келиниб 1500-2000 сўмдан сотиладиган тоза ичимлик суви учун ўзаро жанжаллашишча бориб етмоқда. Аҳоли сотиლაётган сувни тўс-тўполон билан талашиб уришиб олишмоқда.

HRC рекрутинг компанияси Ўзбекистон меҳнат бозорининг 2013 йилдаги ҳолатини таҳлил қилиб чиқди. Унга кўра, ўтган йили мамлакатда 970 мингта иш жойи ташкил этилган. Бу ҳақда маҳаллий ОАВ маълумотига таяниб vatan-dosh хабар берди.

Хабарда таъкидланишича, тадқиқотчилар 2013 йилда Ўзбекистон меҳнат бозорида техник мутахассисларга катта эҳтиёж сезилганини эътироф этишган. Асосан ёш муҳандислар танқислиги яққол кўзга ташланган. Бу танқислик, тадқиқотчиларга кўра, асосан катта ёшдаги мутахассислар ҳисобига тўлдириляётгани айтилади.

Айни пайтда бу соҳадаги мутахассислар контракт асосида ишлашни ёки хориждаги катта лойиҳаларда ишлашни истаётгани ва бу ҳам мамлакатда муҳандислар танқислигини келтириб чиқараётгани қайд қилинади. Ўтган йили савдо-сотик соҳасига, айниқса, ИТ-соҳасида номзодларни ўзига кўпроқ жалб қилган. 2013 йил учун яна бир хусусият маъмурий ишлар нуктаи назаридан иш излаганлар кўпроқ офиснинг қаерда жойлашганига

кўпроқ эътибор қаратишди. Ходимлар йўлга кўп вақт сарфлашни ударажада хоҳлашмаяпти.

«H R - U N I O N» бирлашмаси MyJob.Uz онлайн тармоғи базасида иш изловчиларнинг хусусиятларини таҳлил қилиб чиқишган.

Унга кўра, иш изловчиларнинг 44 фоизи 26-35 ёш атрофидаги



## Ўзбекистонда ёш муҳандислар танқислиги кузатилмоқда

йигит-қизлардир. Яна бир жиҳати, иш қидираётганларнинг катта қисми — 49 фоизи бакалавр даражасига, 24 фоизи эса магистр ёки тўлиқ олий маълумотга эга шахслар бўлиб чиққан. Бу таҳлил давомида 25 мингта анкета ўрганиб чиқилган.

Иш излаётганларнинг 12 фоизи молия, бухгалтерия ва аудит соҳасида таълим олган бўлса, ахборот технологиялари соҳасида мутахассисликка эга шахслар 9 фоизни ташкил қилган. Тадқиқотнинг яна бир қизиқ жиҳати, иш қидираётганларнинг 23

фоизи ойлик маош масаласини иш берувчи ихтиёрида қолдиришни истаса, 27 фоиздан ортиғи ўз ойлик маошларининг қўл тегадигани 1-1,5 миллион сўм (430-650 доллар) атрофида бўлишини кутаётганлигини қайд этишган. 25 фоизи эса бу миқдор 500-1000000 (215-430 доллар) атрофида бўлишини хоҳлаётганлардир.

26-35 ёшдаги иш излаётганларнинг 40 фоизи инглиз тилида бемалол мулоқот қила олади. Катта ёшдаги иш изловчиларда эса бу борада жиддий муаммолар бор.

**ЎХХ ахборот бўлими**



«Трамвай «Чилонзор Оқтепа» майдонидан Самарқанд дарвоза кўчаси бўйлаб ҳаракатланаётганида, бурилиш жойида изда чиқиб кетган», — дейди газета суҳбатдоши.

Унинг сўзларига кўра, трамвай уриб, ағдариб юборган бетон устун у билан параллел ҳаракатлиниб келаётган Spark'нинг орқа томонига бориб тушган.

## Ўзбекистонда кредит ташкилотлари устидан кунлик назорат ўрнатилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2014 йил 19 майдаги N 13/3 сонли Қарори билан кредит ташкилотлари томонидан кредит ахборотининг давлат реестрига (КАДР) ва кредит бюроларига кредит ахборотини тақдим этиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ўзгартиришларга кўра, кредит ахбороти, КАДРга ва кредит бюроларига кредитлаш жараёнига мос кетма-кетликда юборилиши шарт ва КАДР ахборотларнинг тўғри юборилиши бўйича кунлик назоратни олиб боради.

Бундан ташқари КАДРнинг амалиёт куни банклараро электрон тўлов ҳужжатларини ўтказиш вақтига мос бўлиши лозим.

Ҳужжат бошқа ўзгартириш ва қўшимчаларни ҳам ўз ичига олади.

**ЎХХ ахборот бўлими**

## Тошкентда трамвай издан чиқиб кетди

Тошкентда 8-йўналиш бўйлаб ҳаракатланаётган «Татра» трамвайи издан чиқиб кетди. Бу ҳақда «Новый век»нинг ИИВ вакилига асосланиб берган маълумотига таяниб, kun.uz хабар берди. Хабарда таъкидланишича, ҳодиса 13 июнь, жума куни содир бўлган.

Издан чиқиб кетган трамвай бетон устунга бориб урилган, бетон устун эса Spark автомобили устига бориб тушган.

Spark ичида бўлган йўловчилар жароҳат олган; енгил автомобиль ичида қанча йўловчи бўлганига аниқлик киритилмаган, трамвай йўловчилари ва ҳайдовчиси жабр кўрган-кўрмагани ҳақида ахборот берилмаган.

«Новый век»нинг қайд этишича, ҳозирги вақтда ушбу ҳолат бўйича тергов-суриштирув ишлари бошланган.

**UZBEK.FM**

## Москвада «Ферганская улица» метро бекати номининг ўзгартирилиши яққол ксенофобиядан дарак беради — эксперт

Москва метрополитенининг Кожуховский йўналишидаги «Ферганская улица» станцияси (бекати) номи «Юго-Восточная» («Жанубий-Шарқий») га ўзгартирилди, деб хабар берди SA-NEWS.

Этнолог Сергей Абашиннинг фикрича, бундай ўзгариш россия пойтахти мулозимларининг ксенофобия кайфиятидан дарак беради.

Бу борада «Интерфакс» ахборот агентлиги



кайфияти шундай дея оламан». Унинг таъкидлашича, «...Фарғонада Россиядан чиққан ўн минглаб одамлар яшамоқда ва улар Фарғонани ўз ватанлари деб билишади. Уруш йилларида ўн минглаб қочоқлар у ерда жон сақлашган. Эндиликда эса бу сўз ёқмай қолибди».

Бекат номининг ўзгартирилиши билан боғлиқ интернет ижтимоий тармоғидаги кизгин мунозараларда: ««Ферганская

аҳолидан келиб тушган кўп сонли мурожаатлар асосида Москва расмийлари метронинг Кожуховский йўналишидаги лойиҳалаштирилган бекат номи ўзгартирилди, деб ёзади.

Жорий йилнинг 10 июнида бўлиб ўтган пойтахт ҳукумати мажлисида жамоат алоқалари кўмитаси раиси Александр Чистяковнинг таъкидлашича, Жанубий-Шарқий маъмурий округ аҳолисидан келиб тушган мурожаатлар сабаб метронинг «Ферганская улица»

бекати номи «Юго-Восточная» га ўзгартирилган.

Мазку қарор бир қанча экспертлар томонидан ксенофобиянинг намоён бўлиши сифатида баҳоланган. Хусусан, тарих фанлар доктори, этнолог Сергей Абашин ўзининг Facebook ижтимоий тармоғидаги саҳифасида шундай ёзади: «Мен бу аноним кўп сонли аҳолининг борлигига ишонмайман.

Бу яққол кўриниб турган ксенофобиядир, ҳаттоки мулозимларнинг ўзларининг

улица» номидан воз кечиб уни «Юго-Восточная» қилиб ўзгартиришларида манتيқий жиҳатдан мен ксенофобиядан бошқа нарсани кўрмаймаман», — дея қўшимча қилади Абашин.

2014 йилнинг январидеяқ қайта номлаш бўйича шаҳар комиссияси аъзолари «Ферганская улица» номини танқид остига олишганди. Улар метро бекатининг бундай номланиши маҳаллий аҳолига ёқмаслигидан хавфсирашганди.

ЎХХ ахборот бўлими

## Ўзбекистон йил сайин ўз чегараларини Қирғизистон ҳудуди ичкарасига сурмоқда

Ўзбекистон йил сайин ўз чегараларини Қирғизистон ҳудуди ичкарасига сурмоқда. Бу ҳақда 12 июнь, пайшанба кунги Парламент мажлисида Қирғизистон Жогорку Кенеші депутаты Умурбек Бакиров маълум қилган, деб ёзади septasia.ru. «Ҳар йили Ўзбекистон ўз чегараларини Қирғизистон ҳудуди ичкарасига тобора сурмоқда», — дея таъкидлайди депутат. Унинг сўзларига кўра, Жалолобод вилоятининг Сузоқ туманидаги Қорадарё дарёси икки давлатни ажратиб туради. «Ҳозирда Ўзбекистон чегаралари бизнинг ҳудудимиз томон 300 метрга сурилган, ўзбек томони дарё оқимини ўз тарафига йўналтиришга урунмоқда», — дея қўшимча қилади у. Депутатнинг таъкидлашича, ҳукумат мазкур масалага жиддийроқ ёндашиб Қирғизистонга тегишли ерларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиши лозим.

UZBEK.FM

## Москвада Ўрта Осиёлик муҳожирлар ташлаб кетган етим болаларда фарзандликка олиниш имкониятлари кам

Москвада Ўрта Осиёлик муҳожирларнинг ташлаб кетган етим болаларида фарзандликка олиниш имкониятлари кам, деб ёзади dallol.ru.

Бу ҳақда «Етим болаларга кўнгиллилар ёрдами» хайрия Жамғармаси лойиҳаси раҳбари Олеся Деснянская маълум қилган.

Унинг сўзларига кўра Жамғарма Москва шаҳридаги барча туғриқхоналар билан яқин ҳамкорлик қилади ва кўнгиллилар миллатидан қатъий назар қийин аҳволга тушиб қолган барча аёлларга кўмаклашади.

«Турли хил сабабларга кўра соғлом ва соғлом бўлмаган чақалоқларни туғруқхоналарга ташлаб кетишади, аниқроқ қилиб айтганда турли хил сабабларга кўра ўз оналари улардан бутунлай воз кечишади.

Ушбу болалар ўз оилаларига эга бўлишлари учун биз кўлимиздан келганича ҳаракат қиламиз.

Иш фаолиятимиз давомида биз шу нарсага гувоҳ бўлдикки Ўрта Осиёлик меҳнат муҳожирлар томонидан ташлаб кетилган болаларнинг янги ои ва дадали бўлиш имкониятлари кам.

Шу сабабли ҳам биз бундай чақалоқларни ўз ваганига юборишга ҳаракат қиламиз. Шундагина уларда янги оилали бўлиш имкониятлари бир неча баробар ортади», — дейди у.

Сухбат давомида Олеся Деснянская баъзи туғриқхоналардаги ҳомиладорларнинг 80%ни Ўрта Осиёлик аёл-муҳожирлар ташкил қилади.

ЎХХ ахборот бўлими



## ЎҚУВЧИНИНГ ХОРИЖГА ЧИҚИШИГА ОТА-ОНА ЭМАС, ВАЗИРЛИК РУХСАТ БЕРИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг рухсатисиз ёзги таътил пайтида мактаб ўқувчилари ота-онаси билан хорижга саёҳатга чиқа олмайдиган бўлди. Бунинг учун ота-она бир папка ҳужжат йиғиши, туман халқ таълими рухсати билан уни шаҳар халқ таълими бошқармасига топшириши керак. Бошқарма юборган ҳужжатларни эса вазирлик ўрганиб чиқиши ва 14 кун ичида жавоб бериши керак. Мактабда ўқийдиган фарзанди билан ёзги таътилни хорижда ўтказмоқчи бўлган ота-она боласининг паспортига чиқиш визаси бостириш учун яна кўшимча икки ҳафта югур-югур қиладиган бўлди. Ўзбекистонда чиқиш визаси олиш жараёнидаги қоғозбозликдан безиб кетган шундай оталардан бирининг Озодликка айтишича, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни қайд қилиш бўлими фарзандининг хорижга чиқиши учун “ГУНО”дан рухсат олиб келишини талаб қилган:

- Ўзи чиқиш визаси олиш учун уч ҳафта кутиш керак. Бунинг устига болаларга горонодан рухсат олиб келиш талаб қилинапти. Бир дунё ҳужжатларни тўплаб топширсам, икки ҳафтада жавоб чиқади, деб айтишди. Боламни ўзим билан олиб кетаётган бўлсам, бунинг устига у каникулда бўлса, нима кераги бор бу қоғозбозликни? дейди тошкентлик ота.

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани Халқ таълими бўлими мулозими ҳақиқатдан ҳам хорижга чиқмоқчи бўлган болаларга шундай талаб қўйилганини тасдиқлади:

- Бизда ота-онанинг иши осон битади. Ота мудиримиз номига ариза ёзади, улар дархол кўриб чиқиб, сизга маълумотнома

беради. Кейин ота ўша маълумотномани олиб горонога боради, улар 15 кун ичида кўриб чиқади, деди мулозим.

Тошкент шаҳар Халқ таълими бошқармасининг ўзини таништирмаган мулозими Озодлик мухбири билан суҳбатда боланинг хорижга чиқишига рухсат бериш ваколати вазирликда эканини

айтади:

- Ота-она паспортининг копияси, бола паспортининг копияси, ўқийдиган мактабидан справка, агар бола ота-оналардан бири билан чиқиб кетаётган бўлса иккинчисининг нотариус тасдиқлаган розилиги каби ҳужжатлар тақдим этилиши керак. Биз бу ҳужжатларни ҳаммасини вазирликка жўнатамиз, улар кўриб чиқишади, деди мулозим.

Аён бўлишича, тақдим этилган бу ҳужжатлар Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида икки ҳафта давомида кўриб чиқилади. Бу ҳақда Озодликка гапирган вазирлик мулозими бундай рухсат олишдан асосий мақсад ўқувчиларнинг мажбурий таълим олишини назорат қилишдир:

- Ўқувчиларимиз қаерда юрибди, нима қиляпти биз буни билишимиз ва учёт олиб боришимиз керак, деди вазирлик мулозими.

Ўқувчиларни ёзги таътил пайтида назорат қилишнинг нима ҳожати бор, бу қоғозбозликлар ота-оналар учун ортикча ташвиш эмасми, деган Озодлик саволига мулозим шундай деб жавоб берди:

- Бу рухсат фақат қаниқул пайти учун чиқарилмаган. Йил давомида шундай бўлади. Биз буни чеклаб қўйишга ҳаққимиз ҳам йўқ. Бола паспортига икки йилга рухсат босиладику, деди вазирлик мулозими.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигидаги Озодлик манбасининг айтишича, бундай тартиб жорий қилинганига тўрт йил бўлган, бироқ шу пайтгача Хорижга чиқиш кириш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимлари бу рухсатни талаб қилмаган.

Манба: [ozodlik.org](http://ozodlik.org)

## Волгоград аэропортида Ўзбекистондан келтирилган сут махсулотлари ёқиб юборилди

Аэровокзал хавфсизлик хизмати Россельхознадзорнинг Ростов ва Волгоград вилоятлари ҳамда Қалмиқ Республикаси бўйича Бошқармаси билан ҳамкорликда Тошкентдан учиб келган йўловчилардан сут махсулотларини мусадара қилишган. Бу ҳақда Волгоград янгиликлар портали хабар берди.

“Давлат ветеринар назорати бўлими ходимлари томонидан ветеринар назорат ўтказилганда Ўзбекистон фуқаролари томонидан Россия худудига олиб кирилган қўл юки ва юкхонага жойлаштирилган ҳайвон махсулотлари аниқланди. Сут ва сут махсулотлари харорат режимига амал қилинмаган ҳолда ҳамда юкнинг сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларсиз олиб кирилган”- дея аниқлик киритади расмий идора вакили.



Шу сабабли ҳам ветеринар-санитар жихатдан хавфли деб топилган ҳайвон махсулотлари аэропорт худудидаги печларда ёқиб юборилган.

Эслаиб ўтамиз, шу ойнинг бошида Хитой ҳукумати Пекин ва Урумчига учувчи Ўзбекистон авиайўловчиларига юк ва қўл юки сифатида ҳайвонот ва ўсимлик махсулотларини Хитой худудига олиб киришлари таъқиқлаб қўйганди.

Хитой ҳукуматининг мазкур талаб бузилган тақдирда йўловчи 50 минг юангача бўлган миқдорда жаримага тортилиши белгилаб қўйилганди.

UZBEK.FM

Маълумки, ҳозирда маҳалла тушунчаси ўзининг асрлар давомида шаклланган тарихий моҳиятини буткул йўқотиб бўлган. Сўнги йилларда одамлар онгида маҳалла (фуқаролар йиғини) тушунчаси ўз-ўзини бошқарувчи орган эмас, балки давлатнинг назорат функциясини бажаришда энг муҳим вазифани бажарадиган ва айни пайтда, хавфсизлик тизимлари билан бевосита алоқадор институционал тузилма сифатида шаклланиб улгурди.

Бир пайтлар ҳокимият тузилмаларидан мустақил бўлган маҳалла институти фаолиятига давлат аралашуви оқибатида бугунга қадар мазкур институт бир нечта босқичдаги эволюция жараёнини бошдан кечирди. Ушбу эволюция босқичларининг ҳар бирида давлат институтига ҳос бўлган элементлар маҳалланинг ахлоқий-ҳуқуқий институт сифатидаги вазифаларини суриб чиқарди ва пировардда ўзининг асл қиёфасидан айрилди.

Ўзбекистоннинг турли чекка вилоятларида ва қишлоқларидаги маҳаллаларда балки ҳануз том маънодаги маҳаллага ҳос белгилар сақланиб қолгандир, бироқ маҳалла учун ишлаб чиқилган қонунчилик ҳамда



## Давлат “маҳалла”лари ёки маҳалла ичидаги ноқонуний тузилма ҳақида

турли ёзма ва оғзаки йўриқномалар мамлакатнинг барча ҳудудидаги маҳаллалар учун бир хил кучга эгадир.

Маълумки, 2014 йилнинг 4 март куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йиғинининг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги №47 сонли Қарори билан маҳалла устида давлат назоратини янада кучайтиришга қаратилган ушбу институтнинг Низоми тасдиқланди. Шу билан бирга, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси деб аталувчи институт раҳбарининг давлатдан оладиган маоши ҳам давлат хизматчиси бўлган маҳалла оқсоқолининг маоши билан тенглаштириб қўйилди.

Қонунчиликка кўра ўзини-ўзи бошқарув органи бўлган фуқаролар йиғини фаолиятининг ҳам амалиётда белгиланган нормаларга мувофиқ зидлигини эътироф этган ҳолда бу сафар янги тузилма ҳисобланган “Маҳалла посбони” институти фаолиятининг ҳуқуқий асосларига эътибор қаратишни лозим топдик. Зеро, мазкур институтнинг республика ҳукумати бўлган Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Низоми моҳиятан на Ўзбекистон Конституциясига, на амалдаги қонунчиликка тўғри келади. Буни Низомда белгиланган қуйидаги нормалар мисолида кўриш мумкин:

1. Низомнинг биринчи бандидаги қоидаларнинг ўзидаёқ мазкур тузилма фаолиятини шубҳа остига олувчи жиҳатлар кўзга ташлана бошлайди. Хусусан, Низомнинг “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмасининг “Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ асосий вазифалари, унинг фаолиятини ташкил этиш, Жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларининг вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаши айтилади. Бундан келиб чиқадиган илк хулоса тузилманинг ўзини-ўзи бошқариш органи эканлигидир. Бироқ, айни пайтда Низомнинг иккинчи банди тузилманинг мамлакатдаги тинчлик, осойишталик, хавфсизликни таъминлаш, жамоат тартибларини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари билан давлат органлари ўртасидаги ҳамкорликни тизимли йўлга қўйиш мақсадида ташкил қилиниши таъкидланади.

Бундан келиб чиқадики, жамоатчилик тузилмаси

фуқаролар йиғини ва давлат ўртасидаги воситачи бўлиб чиқади. Қонун нуктаи назаридан юқорида тилга олинган функция унинг ҳуқуқий мақомини белгилаб бера олмайди. Шу ўринда, юқоридаги таъкидланган қоидалар орқали фуқаролар йиғинига юклатилган вазифалар ҳам бир қанча саволларни келтириб чиқаради. Биринчидан, хавфсизликни таъминлаш ва ҳуқуқ тартиботни мустаҳкамлаш қачондан бери ўзини-ўзи бошқариш органларининг вазифаси бўлиб қолди? Иккинчидан, ўзини-ўзи бошқариш органи ҳисобланган фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмасининг воситачилигисиз давлат билан бевосита ҳамкорлик қила олмайдами? Учинчидан, ўзини-ўзи бошқариш органлари ва давлат ўртасидаги қонуний ҳамкорликни белгилаб берувчи нормаларнинг амал қилишини, бундай ҳамкорликнинг бир томонлама давлат назоратига айлантирилмаслигини таъминловчи бирорта ҳуқуқий механизм борми?

2. Низомнинг саккизинчи бандига кўра жамоатчилик тузилмаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қуйидаги йўналишлардаги фаолиятида бевосита иштирок этади ва ёрдам кўрсатади:

- фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва жамоат тартибини сақлаш;

- ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, бу борада аҳоли билан турли профилактика тадбирларини ўтказиш;

- фуқаролар томонидан паспорт тизими, санитария, экология, ёнғин ва ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига риоя этилиши юзасидан тегишли ҳудудда тушунтириш ишларини ташкил қилиш;

- вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли диний экстремистик ғоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташкилотларга аъзо бўлишга даъват этувчи шахсларни, қонунга хилоф диний таълим берувчиларни аниқлаш ҳамда улар билан профилактик тарбиявий ишлар олиб бориш.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Жамиятдаги ҳар қандай институционал тузилманинг ҳуқуқий мақоми унга берилган ваколатлар ва мажбуриятларга кўра белгиланади. Кўриниб турибдики, тилга олинган жамоат тузилмаси фаолияти мазмунига кўра ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вазифаси юклатилган. Бу ҳақда келтирилган бандда тузилманинг

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида бевосита иштирок этиши таъкидланади.

Аслида бу ваколатдан кўра кўпроқ тузилмага юклатилган мажбуриятга яқинроқдир. Агар жамоат тузилмасининг ўзини-ўзи бошқарув органи ҳисобланган фуқаролар йиғини таркибидаги бир институтлиги инobatга олинса, бу каби бевосита вазифалар ва мажбуриятлар юкланиши қонунчилик нормаларига зиддир. Хусусан, “Фуқароларнинг ўзини-ўзи



бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида: “Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашшига йўл қўймайдилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишда кўмаклашадилар”, — дейилган. Бироқ, юқорида санаб ўтилган вазифалар мазкур модда моҳиятига зиддир. Бу эса, жамоатчилик тузилмасини фаолияти нуқтаи назардан маҳалла институтларидан бири эмас, балки кўпроқ ички

ишлар вазирлиги, яъни ижроий ҳокимият институционал тузилмалари иерархиясининг қуйи бўғини сифатида намоён қилади.

3. Низомнинг 30 бандида жамоатчилик тузилмаси раҳбари ва аъзоларини рағбатлантириш билан боғлиқ қоидалардан сўз юритилади. Унга кўра Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги,

Бундан ташқари, яна бир қизиқ ҳолат эътиборни тортади. Низомнинг мазкур бандида жамоатчилик тузилмаси раҳбарига рағбатлантириш сифатида куч ишлатар тизимларга ошга олинши назарда тутилади. Айни пайтда, Низомнинг 20 бандига кўра тузилма раҳбари лавозимига номзодларнинг олий маълумотли бўлиши, давлат органларида, таълим

муассасаларида ёки нодавлат тижорат ташкилотларида иш тажрибасига эга ҳамда аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши таъкидланади. Кўриниб турибдики, санаб ўтилган сифатларга эга шахс жамиятда ўз ўрнини топган шахсдир. Шундай экан унинг учун куч ишлатар тизимларга ишга олинши бирор бир рағбат маъносидан йироқдир.

Аслида сўз юритаётганимиз тузилма номи билан жамоатчилик ташкилотидир. Кўпол қилиб айтганда

Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона кўмитаси ўз тизимидаги органларда хизмат қилишга номзодларни жамоат тузилмаси аъзолари ҳамда раҳбарлари орасидан танлашга ва қабул қилишга алоҳида эътибор қаратади. Аслида, мазкур банд ўз мазмунига кўра давлат бошқарувидаги авторитаризм ва диктатура элементларини намоён қилади. Чунки, фақат инсон ҳуқуқлари чекланган ва фуқароларнинг эркинлиги бўғилган авторитар тузумлардагина куч ишлатар тизимларга ишга олиш оддий фуқаро учун рағбат сифатида қабул қилиниши мумкин.

собик совет давридан қолган фуқароларни жамоатчилик асосида — текинга ишлатиш механизмини ифодалайди. Бироқ, ҳуқуқсизлик ҳукм сурган ҳар қандай аавторитар тузумларда бўлгани каби Ўзбекистон шароитида ҳам аксарият фуқаролар ҳокимиятга, айниқса куч ишлатар тизимларга яқинроқ бўлиши, уларга берилган ҳадсиз ваколатнинг бир бўлагини қайсидир маънода ўзларида ҳис қилишга интилишади. Бу билан гўёки бундай шахслар давлатнинг репрессив машинаси қурбони бўлишдан ўзларини суғурталаган бўлишади.

Замир Малик

## Қозоғистон ўнта мамлакат инвесторлари учун визасиз режим жорий қилди

Қозоғистон бир тарафлама тартибда республика иқтисодиётига фаол сармоя киритаётган 10 та мамлакат инвесторлари учун виза тизимини бекор қилди. Бу ҳақда Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев хорижлик инвесторлар ялпи мажлисида маълум қилган.

“Визасиз режим инвесторлар учундир. Тадбиркорларнинг тижорат алоқаларини ва халқаро амалиётларни кенгайтиришлари учун виза билан боғлиқ тўсиқлар бартараф қилиниши керак. Бугун биз бир тарафлама тартибда Қозоғистонда юксак инвестициявий фаоллик кўрсатган 10 та мамлакат фуқаролари учун виза режимини

бекор қилишни маълум қиламиз”, — дея хорижлик инвесторлар ялпи мажлисида чиқиш қилган Нурсултон Назарбоев сўзларидан иқтибос келтиради ИА Новости-Казахстан. Қозоғистон президентининг сўзларига кўра, ушбу рўйхатда Буюк Британия, Германия, Италия, Малайзия, Нидерландия, БАА, Корея Республикаси, АҚШ, Франция ҳамда Япония ўрин олган.

Унинг фикрича, виза тўсиқларининг олиб ташланиши тадбиркорларга ўз бизнесини ва халқаро амалиётини кенгайтириш учун жуда зарурдир. Бундан ташқари, Нурсултон Назарбоев “Инвестицион муҳитни такомиллаштириш бўйича

Қозоғистон Республикасининг баҳзи қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунни имзолаган. Мазкур ҳужжат иқтисодиётнинг муҳим соҳаларида инвесторлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва инвестицион муҳитни яхшилашга қаратилгандир. Қонун 12 июнь Оқмола вилоятининг Бўрибой курорт зонасида имзоланган. Шу билан бирга, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш мақсадида “инвестицион омбудсман” институти қонуний равишда жорий қилинади.

UZBEK.FM

## Ўзбекистон шимолий- ғарбида иккита газ конденсатли кон очилди

«Ўзбекнефтегаз» Миллий холдинг компанияси (МХК) томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида олиб геологик разведка ишлари натижасида иккита янги газ конденсатли кон топилди, деб хабар беради ЎзТАГ.

Булар Бухоро-Хива минтақасидаги «Ахирбулок» ва Устюртдаги «Янги Чибини» конларидир. Маълум бўлишича, шартли 20 млн. тонна углеводород захираларига эга бўлган ҳар иккала кон ҳам «Ўзбекнефтегаз» балансига берилган.

Холдинг маълумотларига кўра, 2014 йил биринчи ярмига келиб, Ўзбекистонда аниқланган углеводородларнинг захиралари шартли 2,5 млрд. тонна ёқилғи микдорига тенг бўлган. Бундан 65% атрофидаси газ захираларидир.

«Ўзбекнефтегаз» МХК қувватлари ҳозирда йилига 70 млрд. кубометр табиий газ ва 8 млн. тонна суюқ углеводородлар қазиб олиш имконини беради.

UZBEK.FM

## Божхона иттифоқи давлатларида ягона йўл ҳаракати белгилари амал қилади

Бу ҳақда Қозғистон транспорт ва коммуникациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи Болатбек Айтбаев маълум қилди, деб хабар берди tv7.kz.

Унинг сўзларига кўра уч давлат вакиллари бу борада 2011 йилдаёқ музокараларни бошлашган.

Бироқ, якуний қарор эндигина қабул қилинган. Музокараларнинг узун суришига сабаб Беларуссия йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ. Ўтган давр мобайнида ушбу давлат расмийлари йўл ҳаракати қоидаларини ўзгартиришни исташмаган.

«Йўл белгиларига қўйилган талаблар барча учун бир хил бўлади. Йўл ҳаракати қоидалари ўзгармайди. Ёруғлик ва ёруғликни қайтариш билан боғлиқ қисмида ўзгаришлар бўлади. Ўзгаришлар фақат автомобил йўллари хавфсизлиги қисмида бўлади», – дея таъкидлайди Айтбаев.

UZBEK.FM



## Ўзбекистон ИИВ видео-регистратор ўрнатиш бўйича изох берди

Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси (ЙХХББ) автомобилларга видео-регистратор ўрнатиш бўйича тавсияларни эълон қилди.

Ўзбекистон ИИВ сайтида шанба куни автомобил салонларига видео-регистратор ўрнатиш бўйича ЙХХББ тавсияси эълон қилинди. Мазкур масала сўнги пайтларда айниқса ИИВнинг «Постда» газетасида фуқароларнинг видео-регистратор ўрнатиш билан боғлиқ саволларига ЙХХББ вакиллари янада жавоблари эълон қилинганидан кейин кизгин баҳс-мунозараларни келтириб чиқарганди.

Берилган жавобларда Ўзбекистонда автомобил салонларига видео-регистратор ўрнатиш таъқиқлангани айтилганди.

Бу ҳақда 31 май куни берган хабаримизда Ўзбекистондаги жорий қонунчиликка кўра ЙХХББ вакиллари сўзлари қонуний асосга эга эмаслигини таъкидлагандик.

Қуйида бу борадаги ИИВ сайтида рус тилида эълон қилинган ЙХХББ тавсияларни ўзгартиришларсиз ўзбек тилидаги таржимасини берамиз:

«Автомобил саломида видео-регистратор ўрнатиш истаганлар учун ЙХХББ Тавсиялари

Сўнги пайтларда мамлакатимиздаги ҳайдовчилар ИТҲ, ЙХХ билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва бошқалар юзага келганда вазиятга объектив баҳо беришга имкон берувчи замонавий техника воситалари, жумладан, видео-регистраторлардан фойдаланишга жиддий эътибор қаратишмоқда.

Кўпчилик ҳайловчилар орасида автомобил саломида мамлакатимизда видео-регистратордан фойдаланишнинг

таъқиқланганлиги тўғрисидаги нотўғри фикрлар мавжуд.

ЙХХББ мутахассислари ушбу долзарб масала бўйича қонунчилик нормалари талабларига ойдинлик киритади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 11 декабрдаги № 472 сон билан Қарори билан тасдиқланган Йўл ҳаракати қоидаларига

асосан, ҳайдовчиларга ишлаб чиқарувчи корхона томонидан транспорт воситаси салонининг олд қисмида ўрнатилган теле-, видеомонитордан фойдаланиш, транспорт воситаси салонининг олд қисмига, шу жумладан приборлар панелига, қуёш соявонига ва орқа томонни кўриш кўзгусига теле-, видеомониторлар ўрнатиш таъқиқланади.

Ўзбошимчалик билан транспорт воситасининг олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатиб олганлик учун қонунчиликда (Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси 128-модда) энг кам иш ҳақининг икки баробари микдоридаги жарима шаклидаги маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида тақрор содир этилган бўлса, энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача микдорда жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан олти ойдан бир йилгача муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Далилий видео ва аудио-маълумотларни тўплаш мақсадида содир бўлган ҳодисани видео-регистрация қилиш учун етарли бўлган видеокамералар ва қайд қилиш мосламаларидан иборат бўлган видео-регистраторлар автомобил салонларига ўрнатилиши мумкин.

Бироқ, мосламани ўрнатганда умумий кўриниш фақат ҳайдовчи томонидан кўриладиган тасвир билан чекланмаслиги, мониторсиз (дисплей) бўлиши ёки монитор (дисплей) автомобилнинг олд қисмига ўрнатилмаган бўлишилозим».

ЎХХ ахборот бўлими

(Давоми: Боши олдинги сонда)



### Юсуф алайҳиссаломнинг келиб чиқиши

Юсуф бин Ёқуб, бин Исҳоқ, бин Иброҳим алайҳиссаломлардир (17).

Юсуф алайҳиссаломнинг онаси Роҳил бинти Лабондир (18).

### Юсуф алайҳиссаломнинг шакли-шамойили

Юсуф алайҳиссалом оқ танли, гўзал юзли, жингалак сочли, йирик кўзли, нозик бурунли, қалин оёқли, текис қоринли эди ва ёноғида бан (хол) бор эди (19). Юсуф алайҳиссалом Одам алайҳиссаломни эслатарди. Юзи куёш каби порларди (20). Унга бутун гўзалликнинг ярми берилганди (21).

### Юсуф алайҳиссаломнинг бошига тушган мусибатлар

Юсуф алайҳиссалом онаси Роҳилдан туғилганда, боқсин деб уни аммасига беришди. Юсуф алайҳиссаломнинг илк ибтилоси бу Исҳоқ алайҳиссаломнинг қизи бўлган аммаси билан бошланди.

Юсуф алайҳиссалом юра бошлаганди (22). Отаси каби аммаси ҳам Юсуф алайҳиссаломни қаттиқ севарди (23).

Ёқуб алайҳиссалом синглисига:

- Синглим, энди Юсуфни бизга бер, Валлоҳи, ундан бир соат ҳам узок яшаёлмайман, — деди.

- Мен ҳам уни бир соат ҳам тарк этолмайман, — деди синглиси.

Ёқуб алайҳиссалом Юсуф алайҳиссаломни олиш учун исроф этабошлагач, синглиси:

- Майли, ҳеч бўлмаса, бир неча кун бизникада қолсин, балки тассали топаман, — деди (24).

Ёқуб алайҳиссалом кетгандан кейин (25) Юсуфнинг аммаси

Исҳоқ алайҳиссаломнинг катта фарзанди бўлганлиги муносабати билан тақиб юрадиган белбоғини Юсуф алайҳиссаломнинг белига боғлаб қўйди. Кейин:

- Белбоғ ғойиб бўлди, излангиз, ким олди уни? — дея буйрук берди ҳаммага.

Уйдагиларнинг ҳаммаси тинтув қилинди, белбоғ Юсуф алайҳиссаломнинг белида боғлиқ ҳолда топилди (26). Уларнинг мазҳабига кўра, ўғрини мол соҳиби истаганча тутиб туриши мумкин эди, унга ҳеч ким эътироз этолмасди (27).

- Валлоҳи, мен Юсуфга истаганимни қилишим мумкин, — деди аммаси ва бу ҳақда

бўйин томирлари қабарди, туклари тикандек бўлди (36).

- Куёш — отам, ой эса — сен, юлдузлар ҳам — бизмиз. Шубҳасизки, Роҳилнинг ўғли устимизда ҳукмдор бўлиб, мен сизнинг саййидингизман (37), сизлар менинг қулимсизлар (38), демоқчи (39), — дейишди Юсуфнинг акалари.

Улар Юсуф алайҳиссаломга қарши ташиган кин ва қизғанчликни янада оширдилар (40). Уни ўлдириб ёки кимсасиз бир ерга ташлаб, ундан қутилишни ва отасининг таважжуҳи ва севгисини ўзлари қозонишни истадилар.

Уларнинг ичидаги энг фазилятлиси ва ақллиси Яхуза:

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (14).

Ёқуб алайҳиссаломга ҳам билдирди.

- Агар Юсуф бу ишни қилган бўлса, у сенга таслим этилмиштир, менинг қўлимдан ҳеч нарса келмайди, — деди Ёқуб алайҳиссалом (28).

Аммаси ҳам ўлгунча Юсуфни қўйиб юбормади. Ёқуб алайҳиссалом унинг ўлимидан кейингина Юсуфни ёнига олди (29).

Юсуф алайҳиссалом Ёқуб алайҳиссаломнинг ўғилларидан энг севиклиси эди (30). Юсуф алайҳиссаломнинг ўғай оналаридан бўлган ака-укалари отаси Ёқуб алайҳиссаломнинг Юсуфга бўлган севгисини кўриб, уни қизғана бошладилар (31). Юсуф алайҳиссаломнинг акалари билан бўлган ибратли можоролари Қуръони Каримда батафсил ёритилган (32). Юсуф алайҳиссалом тушида ўнбир юлдуз билан куёш ва ойнинг унга сажда этганини отасига айтиб берганди. Ёқуб алайҳиссалом унга:

- Ўғлим, тушингни акаларингга айтма. Акс ҳолда, сенга тузоқ қуришади. Чунки Шайтон одамнинг очиқ душманидир, — деб (33) ўғлининг тушини йўримлаган (таъбирлаган)ди.

Ёқуб алайҳиссаломнинг хотини Лайё Юсуф алайҳиссаломнинг отасига сўйлаганларини тинглади. Ёқуб алайҳиссалом унга:

- Юсуфнинг деганларини гизли тут, ўғилларингга айтма, — деди.

- Майли, — деди Лайё.

Ёқуб алайҳиссаломнинг ўғиллари ўтлоқдан келиб, гизли тутилиши керак бўлган туш ҳақида уларга билдирилганда (35) уларнинг Юсуф алайҳиссаломга шу қадар жаҳллари чиқдики, уларнинг

- Юсуфни ўлдирманглар, чунки одам ўлдирмак катта ва оғир жиноятдир. Уни бир қудуққа ташланглар, у ердан ўтган йўлчи қарвонлардан битгаси уни топсин ва ўзи билан олиб кетсин, қилмоқчи бўлсангиз шундай қилинг, — деди.

У акаларидан Юсуф алайҳиссаломни ўлдир-маяжаклари ҳақида қатъий сўз олди (42). Ёқуб алайҳиссаломнинг ҳузурига чиқиб, Юсуф алайҳиссаломни ўзлари билан кирга юборишини сўрамоқчи бўлганларида Ёқуб алайҳиссаломнинг катта ўғли Рубил:

- Отамиз Юсуфни сизга ишонмаяжак. Биз Юсуфнинг ёнига бориб ўйнайлик. Биз билан ўйнаб наъшалангандан сўнгра, унинг ўзи биз билан кетишни истайди, — деб маслаҳат қилди.

Улар Юсуф билан бирга қулишиб, сакрашиб ўйнадилар ва уни ўзлари билан кетишга ҳаваслантирдилар. Юсуф алайҳиссалом улардан:

- Эй акаларим, сизлар ўтлоқда доим шундай ўйин ўйнайсизларми? — деб сўради.

- Ҳа, Юсуф, агар бизнинг ўтлоқда қандай ўйнаганимизни кўрсайдинг, сен ҳам буни орзу этардинг, — дейишди акалари.

- Эй акаларим, мени отамга олиб боринг, у мени сизлар билан юборсин, — деди Юсуф алайҳиссалом (43).

- Эй Юсуф, сен биз билан кетиб ўйнашни, ов қилишни истайсанми? — деди акалари.

- Ҳа, истайман, — деди у.

- Ундай бўлса, сен отангдан сени биз билан юборишини иста, — деди акалари (44).

(Давоми кейинги саҳифада)



(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Улар Ёқуб алайҳиссаломнинг ёнига бориб, саф тортдилар. Отасидан бир нарса истаганларида шундай қилишарди. Ёқуб алайҳиссалом ўғилларининг қаршисига келиб саф тортганини кўриб:

- Надир истагингиз? — деб сўради.

Улар Юсуф алайҳиссаломнинг ҳам кирга кетиб, у ерда бирга ўйнашига изн беришини, уни яхши кўриyajакларини билдирдилар.

Ёқуб алайҳиссалом уларнинг гафлагига қолиб, Юсуфни бўрига едиришидан кўрқганини айтди.

Улар ўзларининг кучли жамият эканлиги ва бундай мусибат бошига тушмаяганини айтдилар. Ёқуб алайҳиссалом бўри ҳақида гапирганига сабаб унинг бир неча кун аввал кўрган бир туши эди. У тушида Юсуф алайҳиссаломга ўнта бўри хужум қилганини, битта бўрининг Юсуфни ҳимоя қилгани ва сўнгра ер ёрилиб Юсуф унинг ичига кирганини, уч кун сўнгра чиққанини кўрганди. Шу боис, Юсуф алайҳиссалом ҳақида бўри кўркусига тушганди (45) ва ўғилларига “уни бўри ейишидан кўрқаман”, деганди (46).

- Отажон, мени улар билан юбор, — деди Юсуф алайҳиссалом.

## ПАЙҒАМБАРЛАР ТАРИХИ (14).

- У ерга боришни сен ҳам истайсанми? — деб сўради Ёқуб алайҳиссалом.

- Ҳа, — деди Юсуф алайҳиссалом ва отаси унга акалари билан кирга кетишга изн берди.

Юсуф алайҳиссалом кўйлагини кийди (47). Ёқуб алайҳиссалом уни акалари билан кирга жўнатди. Ўтлоққа етишганда акаларининг душманликлари очиққа чиқди ва Юсуф алайҳиссаломни калтаклай бошладилар. Юсуф алайҳиссалом бошқаларини уни қутқаришга чақирса, улар ҳам келиб, ёрдам бериш ўрнига, уни калтакладилар. Ҳеч қайсиси унга шафқат қилмади. Уни ўласи қилиб калтаклашди (48).

Юсуф алайҳиссалом учун отаси берган егуликни итларга беришди.

Юсуф алайҳиссалом жуда сувсади.

- Ўлдирмасдан олдин менга озгина сув беринглар, — деди Юсуф алайҳиссалом.

Акаларидан ҳеч бири унга раҳм қилмаганини кўриб:

- Эй отажоним, Эй Ёқуб, жория ўғилларининг сенинг ўғлингга

чектирганларини (49) билмайсанми (50)? Қанийди билсанг (51)! Эй отажоним, улар сенинг аҳдингни буздилар, васиятингни зое этдилар (52), — дея фарёд этди Юсуф алайҳиссалом (53).

Рубил уни ушлаб, ўлдирмак учун ерга ётқизди ва деди:

- Эй Роҳил ўғли, тушингга айт, у сени қутқарсин!

Юсуф алайҳиссалом Яхузадан ёрдам истади (54). Юсуф алайҳиссаломнинг холасининг ўғли бўлиб, бошқаларига нисбатан инсофли, узокни кўрадиган Яхуза (55) уларга:

- Сиз “уни ўлдирмаймиз” деб, менга қатъий сўз бермаганмидингиз (56)? Уни қудукқа ташланг (57)!, — деди.

Улар Юсуф алайҳиссаломни қудук ёнига судраб олиб боришди (58). Бу қудук Мадян ва Миср орасида (59), Байт-ул Макдис минтақасидаги ери маълум (60), Ёқуб алайҳиссаломнинг уйдан уч фарсоҳ узокда эди. Қоронғу, оғзи тор, туби кенг қудук эди. Ичига ташланган осон ҳалок бўларди, ичидан чиқиш имконсиз, суви тузли бир қудук эди.

Бу қудук Сом бин Нух алайҳиссаломнинг қазган қудуғи эди. “Аҳзон қудуғи” деб аталарди.

Акалари Юсуф алайҳиссаломни

бу қудукқа ташлаш мақсадида (61) қудукнинг ичига ипга осилтириб туширар экан, Юсуф алайҳиссалом қудукнинг деворларига ёпишиб олди. Шунда акалари уни чиқариб, қўлларини бўйнига боғлаб, устидаги кўйлакни ҳам ечиб олиб, яна қудукқа туширдилар (62).

- Акалар, кўйлагимни менга қайтариб беринг, у билан ўртунаман (63), қудукдаги хашаротларни у билан даф қилай (64), ўлганимда эса у менга қафан бўлсин, — деб ёлворди Юсуф алайҳиссалом (65).

- Куёшни, ойни ва ўн бир юлдузни чақир, улар сени қудукқа кўниктирсинлар, — дейишди унга.

- Мен ҳеч бир нарса кўрмайман, — деди Юсуф алайҳиссалом.

Акалари уни “ўлсин” деб қудукнинг ярмига келганда, ипни кўйиб юбордилар. Юсуф алайҳиссалом сувга тушди. Кейин қудукдаги бир тошга чиқиб, тик турди (66).

Акалари қудукқа қараганларида, Юсуф алайҳиссалом йиғлаётган эди (67). Тепадаги акалари уни чақиришганда, уларнинг раҳми

келди деб ўйлаб, уларга жавоб қайтарди. Улар эса унинг устига тош ташлаб, ўлдирмоқ истадилар.

Яхуза уларга буни қилишни манъ қилди:

- Менга уни ўлдирмаслик ҳақида қатъий сўз бергандингиз-ку, — деди у. (68)

Юсуф алайҳиссалом қудукқа ташланган пайтда ўн етти ёшда эди (69). Акалари Юсуф алайҳиссаломни ташлагандан кейин подадан битта кўйни сўйиб, унинг қонини Юсуф алайҳиссаломнинг кўйлагига булғадилар. Сўнгра сўйган кўй гўштини едилар (70). Оқшом тушгач, йиғлаб, Юсуф алайҳиссаломни бўри еганини айтиб, отасининг ёнига келишди (71).

Ёқуб алайҳиссалом йўл бошида туриб, Юсуф алайҳиссалом ва акаларининг қилишини кутиб турганди. Ўғиллари яқинлашиб, ҳаммаси жўр бўлиб йиғлай бошлаганда, Ёқуб алайҳиссалом уларнинг бир мусибатга дучор бўлганларини англади. Улар Ёқуб алайҳиссаломнинг ёнига келиб, ёқаларини йиртиб, фарёд қилдилар.

- Эй ўғилларим, сизларга нима бўлди? — деди Ёқуб алайҳиссалом.

Юсуф алайҳиссаломни бўри еганини ва унинг қонли кўйлагини олиб келишганини айтдилар (72).

- Кўрсатинг менга унинг кўйлагини, — деди Ёқуб алайҳиссалом. Кўрсатдилар.

Ёқуб алайҳиссалом:

- Валлоҳи, мен бугунга қадар бундай юмшоқ табиатли бўри кўрмадим, ўғлимни ебди, аммо кўйлагини йиртмабди, — дея фарёд этди ва ҳушидан кетди.

Анча вақтдан кейин ўзига келди ва кўп йиғлади кейин кўйлакни олиб, хидлади, ўпди (73), юзига ва кўзларига суртди (74). Юсуф алайҳиссалом қудукда уч кун қолди. Яхуза ҳар куни акаси ва укаларидан яширин Юсуф алайҳиссаломга емак келтирди (76).

Тўртинчи кун Мадяндан Мисрга кетаётган бир карвон, адашиб, қудукнинг яқинига қўноқладилар. Мадян халқидан, араблардан Малик бин Заър исмли бир кишини сув олиб келиш учун қудукқа юбордилар. Бу киши қудукқа пакирни туширганда, Юсуф алайҳиссалом унинг ипига ёпишди. Пакир қудукнинг оғзига кўтарилганда, Малик Юсуф алайҳиссаломни кўрди (77) ва шерикларига бир ёш бола топганини муждалади (78).

(Давоми келгуси сонда)



хали ҳам чиқишнинг иложи бўлмаётганда,- дейди ёш ота.

Тўрақўрғон тумани ФХДЁ бўлими мудири тингловчимизнинг гапларини тасдиқлади ва Озодлик аввал ҳам ёритган муаммо бугунга келиб, жиддий тус олаётганини билдирди.

Исмни келтирмаётганимиз расмийнинг айтишича, чақалокларга ўзбекча

кўринишга ўтишга қарор қилинган.

“Ҳозир мумкинмас, ака. Чунки вақт ўтгандан кейин ота-оналар яна фамилиясини ўзгартиришига тўғри келяпти. Ҳозир жуда кўпчилик фамилияларини ўзгартиряпти. Бир пайтлар энди мустақилликка эришилган пайтда кўпчилик болаларига ўзбекча “ўғли”, “ибн” деган қўшимчаларни қўйган. Ҳозир четга чиқиш ёки шунга ўхшаш масалаларда “фамилиянгизни

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯНГИ ФУҚАРОЛАРИ РУСЧА ФАМИЛИЯ ОЛИШГА МАЖБУРЛАНМОҚДА

Ўзбекистондаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимлари янги туғилган фарзандига ўзбекча фамилия олмоқчи бўлган ота-оналарга туғилганлик гувоҳномаларини бермаёпти. ФХДЁ бўлимлари ходимларининг айтишича, фамилияларида –ий, –зода каби қўшимчалар ёки умуман қўшимчаси бўлмаган ёшлар биометрик паспорт олишда муаммоларга дуч келаётгани бунга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Давлат тили тўғрисидаги қонунда белгиланганига қарамасдан, ички ишлар вазирлигидан сабаби номаълум қолаётган бу муаммонинг олдини олишнинг энг осон йўли сифатида чақалоклар гувоҳномасига русча –ов қўшимчали фамилия ёзиш тўғрисида кўрсатма берилган.

Ўзбекистоннинг янги фуқароларига ўзбекча фамилия олиш муаммо бўлаётгани тўғрисида Озодликка Наманганнинг Тўрақўрғонидан кўнғироқ қилган ёш ота гапириб берди.

Яқинда фарзандлик бўлган суҳбатдошимизнинг айтишича, Тўрақўрғон тумани ички ишлар ва фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХДЁ) органлари янги туғилган чақалокка русча фамилия оласан, деб туриб олган.

- Яқинда биз кўпайишган эдик. Шунга боргандим паспорт столга Наманган вилояти Тўрақўрғон туманига. Ўша –ов, –евсиз олмоқчи эдим русча қўшимчаларсиз. “Бизда –ов, –ев қўшимчаларини давлат тасдиқлаган. Шунинг учун биз –ов, –евсиз фамилия бера олмаймиз” дейишдида. Мен шунга ҳайрон қолдим. Биз мустақил бўлганмиз. Биз ўзимизнинг ота-боболаримиздан қолган фамилиялар бўйича иш тутсак бўладику. Ўрислар, коммунистлар қўйиб кетган фамилиялардан

фамилия берилмаётгани сабаби Ўзбекистонда жорий қилинган янги биометрик паспорт олишда фамилиялари –ий, –зода ва шу каби ўзбекча қўшимчалари бўлган ёшлар қийинчиликларга дуч келаётгани билан изоҳлади. ФХДЁ мудири, негадир бу ҳолатни яна Ўзбекистоннинг Давлат тили тўғрисидаги қонуни билан ҳам асослашга уринди.

- Сизнинг ўзингизники Юсуповми, болангизни ҳам Юсупов қиласиз. Юсуфий деган нарса йўқ ака. Юсуфий бўлмайди. 1989 йилда қабул қилинган Давлат тили тўғрисидаги қонунда белгиланган бу, деди ФХДЁ мудири.

Лекин, давлат тўғрисидаги қонунининг 25-моддасига кўра, “Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқаролар миллатидан қатъи назар, ўз исмини, ота исми ва фамилиясини тарихий-миллий анъаналарга мувофиқ шаклда ёздирish ҳуқуқига эгадирлар”, деб белгилаб қўйилган.

Тошкент, Фарғона, Жиззахдаги ФХДЁ бўлимлари вакиллари ҳам фарзандларига ўзбекча фамилия олмоқчи бўлганларга туғилганлик гувоҳномаси берилмаётганини тасдиқлашди ва бунинг асосий сабаби биометрик паспорт берилишида туғилаётган қийинчиликлар эканини билдиришди.

Ўзбекистон Адлия вазирлигининг ФХДЁлар билан ишлаш бошқармаси мулозими, Озодлик билан микрофонсиз суҳбатда, нафақат фамилия, балки отасининг исми ҳам ўзбекчасига “фалончи ўғли” ёки “фалончи кизи” деб ёзилган бўлса ҳам биометрик паспорт олишда қийинчиликлар туғилмоқда, дейди. Шу сабабдан, бу мулозимнинг айтишича, бундай муаммо келажакда туғилмаслиги учун исм-шарифнинг русча

ўзгартири”, келинг деган гаплар бўляпти. Масалан, Россияга чиқаётган пайтда, қани бонинг фамилияси деган савол чиқяпти. Шунда яна фамилиясига –ов, отасининг исмига –ович қўшимчаларини қўшишга мажбур бўлияпти”, деган адлия вазирлиги мулозими ўзбекча фамилия паспорт олишда нимас сабабдан муаммо туғдираётганини аниқ айтиб бера олмади. Бу суҳбатдошимиз, аини пайтда, ота-оналар келгусида паспорт олишда муаммолар туғилишига рози бўлган тақдирда, ФХДЁ органлари туғилганлик гувоҳномасига ўзбекча фамилияни ёзиб беришлари шарт, дея қўшимча қилди.

Озодлик биометрик паспорт учун ўзбекча фамилия ёки ота исми нима учун муаммо бўлаётганини сўраб, ички ишлар вазирлигига мурожаат қилди, лекин аниқ жавоб ололмади. Тошкент туманларидан бирининг паспорт бўлими ходими эса, умуман бундай муаммо борлигини биринчи марта эшитаётганини айтди.

- Отаси, онаси Ўзбекистон фуқароси бўлса, бериши керак. Бунақа муаммога дуч келганимиз йўқ хали биз. Юсуфий бўлса Юсупов қиворинг, нимаси қийин? Юсуфий ўзбекча эмаску, Юсупова ўзбекча бўлади,- деди паспорт бўлими ходими.

Болаларга фамилия ва ота исмини ўзбекча қилиб қўйиш Ўзбекистон мустақилликка эришган пайтда урф бўла бошлади. Ўзбекистоннинг Россиядан мусатикиллигини қўллаб-қувватлаш нияти сифатида исми-шарифларидаги –ов ва –овна қўшимчаларидан воз кечган ўзбекистонликлар, орадан 20 йил ўтар ўтмас, давлат тарафидан яна русча фамилия ва отчествога қайтишга мажбурланаётган кўринади.

## Башар Асад барча махбуслар учун амнистия эълон қилди

Сурия президенти Башар Асад мамлакатда ялпи амнистия жорий қилди, дея хабар берди Agence France-Presse агентлиги таркатган хабарга таяниб РИА-Новости.

Хабарда айтилишича, амнистия «9 июнь кунигача амалга оширилган барча жиноятлар учун» судланган махкумларга тегишли бўлади.

Давлат телевидениеси батафсил маълумот бермади. Бироқ Сурия адлия вазири Нажем Ал Ахмад эфирга чиқиб, буйруқ магнида «ижтимоий кечирим ва миллий бирдамлик» тилга олинганини таъкидлаган. Хуқуқ ҳимоячиларининг маълумотларига кўра, Сурия ҳибсхоналарида 18 минг махбус сақланмқда. Ўтган ҳафтада ҳам фаоллар бир неча юз махбуснинг озод қилинганини маълум қилишганди.

Эслатиб ўтамиз, 4 июнь куни Сурияда муқобиллик асосида бўлиб ўтган илк президентлик сайловларида Башар Асад давлат 88,7 фоиз овоз билан ғалаба қозонганди.

UZBEK.FM

## Энг исломий давлат деб Ирландия тан олинди

АҚШнинг Жорж Вашингтон Университетида ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, муқаддас Қуръон Каримга қонунлари ва қадриятлари яқин бўлган мамлакат деб Ирландия тан олинган. Рейтингда Ирландиядан сўнг энг «хақиқий мусулмон» мамлакатлари деб Дания, Швеция ва Буюк Британия турибди. Бу тадқиқотларни Жорж Вашингтон Университетининг халқаро бизнес ва сиёсат бўйича профессори Эронда туғилган Хусайн Асқарий ўзининг ҳамкасби Шаҳризода С. Раҳмон билан ўтказган. Шуниси таажжубланарлики, Топ-25 рўйхатига биронта мусулмон мамлакати кирмади. Лекин 27-ўринни Исроил эгаллади. 33-ўринда Малайя, 42-ўринда эса Кувайт. АҚШ ва Голландия 15-ўринни эгаллаган бўлса, Франция 17-ўринда. Эронликларнинг рейтингда Саудия Арабистони фақатгина 91-ўринни, Қатар эса 111-ўринни эгаллаган. «Исломийлик йиғиндиси» кўрсаткичи бўйича ўз ичига иқтисодий, қонуний, сиёсий омилларни қамраган ҳолда, 1-ўринни Янги Зеландия, 2-ўринни Люксембург эгаллаган.

www.islamnews.ru/news

## Хитойнинг юк поезди Ўзбекистон орқали Туркияга етиб боради

Хитойнинг Шинжон-Уйғур мухтор тумани (ШУМТ) маъмурияти 2014 йил июнь ойидан иккита халқаро юк поездларини синов тариқасида йўлга қўйишни режалаштирмоқда. Улардан бири Уйғуристондан бошланиб Ўзбекистон ҳудудидан ўтиши режалаштирилмоқда. Бу ҳақда 12news.uz хабар берди.

Поездлардан бири Курля шаҳридан йўлга чиқиб, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон орқали 19 кунда Туркиянинг Мерсин шаҳрига етиб боради.

ШУМТ Иқтисодиёт ва ахборотлаштириш кўмитаси маълумотларига кўра, халқаро поездларнинг иккинчиси Курля шаҳридан йўлга чиқиб, Қозоғистон орқали 15 кунда Россиянинг Новороссийск портига етиб боради.

Бундан ташқари, «Урумчи – Москва» ва «Урумчи – Гамбург» йўналишларида ҳам юк поездлари қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

UZBEK.FM

«Нажот» инсон ҳақларини ҳимоя қилиш ташкилоти эълон қилган янги ҳисоботга кўра, Хоразм вилоятида ободончилик мақсадида амалга оширилаётган дастур аксинча вайронагарчиликка олиб келмоқда экан.

«Нажот»га кўра, ушбу дастур доирасида олиб борилаётган ишлар фуқароларнинг хусусий мулкларини бузишдан иборат бўлмоқда.

Бу амаллар маҳаллий амалдорларнинг зўравонлиги, дўк ва таҳдидлари билан амалга оширилмоқда.

Би-би-си бу ҳолатлар Хоразм вилоятининг айнан қайси туманларида кузатилаётгани ҳақида «Нажот» ташкилоти раҳбари Ҳайитбой Ёкубов билан суҳбатлашди. Унга кўра, ташкилотга фуқаролардан етиб келган аризалар асосида ўтказилган мониторинг натижасида шу нарса аниқланганки, бу каби ҳолатлар вилоятнинг деярли ҳамма туманларида кузатилмоқда.

Ҳайитбой Ёкубовнинг айтишича, расмийлар ободончилик соҳасида янги қонун-қоидаларни киритиб, уйлар ўнгида яратилган

кичик боғлар, экилган экинлар, шунингдек, ўрнатилган безак панжара ва айвончаларни бузиб ташламоқдалар.

Бу амаллардан норорзи бўлган аҳоли вакиллари «Нажот» га етиб келаётган шикоятлар сони охирига вақтда ошган. Расмийлар нима учун айнан ҳозир бу амалларга қўл урганликлари сабабини изоҳламаганлар, шунчаки қўлларидаги ҳужжатга ишора қилиб, боғ ва айвончалар

## Хоразм обод эмас, барбод бўляпти

ноқонуний эканлигини айтиб, бузиб ташлашни талаб қилмоқдалар. Ушбу муаммонинг яна бир жиҳати борки, иш топиш муаммоси туфайли кўплаб эркаклар меҳнат муҳожирлигига кетганлари сабаб кўп уйларда фақатгина аёллар ва қариялар қолишган.

Уларнинг барбод этилган боғ ва қурилмаларни бузиб ташлаш учун на имкониятлари ва кучлари бор.

Бузиш учун бировни ёллашга эса маблағ керак.

Би-би-сига маълум бўлишича, худди шундай «ободончилик» баҳонаси билан Қашқадарё



вилоятида ҳам хусусий хонадонлар бузилмоқда. Айни ҳолат Шаҳрисабз шаҳрида кўпроқ кузатилаётгани айтилади.

Ҳайитбой Ёкубовнинг айтишича, 2013 йили Хива шаҳрининг «Гиламчи» маҳалласини расмийлар намунали маҳаллага айлантириш мақсадида, дея худди шу каби ободончилик дасутрини бошлашган. «Ҳозирда ўша маҳаллага кирсангиз бир вақтлар обод бўлган маҳалла ғишт, қум, тупроқ уйумларига тўла ерга айланган», дейди ҳуқуқ фаоли.

Манба: [bbc.co.uk/uzbek](http://bbc.co.uk/uzbek)

(Давоми: Боши олдинги сонда)

Бу она сутидаги антижисм (химоячи модда)ларнинг инфекцияларга қарши бевосита химояни таъминлаши туфайлидир.

Она сутининг яна бошқа инфекцияга қарши хусусиятларидан бири шуки, у захарли бактериялар, вируслар ва паразитларга тўсиқ бўлувчи «нормал флора» деб аталадиган «яхши» бактериялар учун мўътадил муҳит яратиб беради. Бундан ташқари, она сутида инфекцияли касалликларга қарши иммунитет тизимини чиниқтирадиган

хуружи хавфининг камайишини кашф қилди. Тадқиқотчилар гуруҳи она сутининг химоявий табиати унинг озукавий таркибига бориб тақалади, деган хулосага келдилар. Бу тадқиқотнинг натижаларига кўра, она сути билан озиқланган чақалоқлар юрак хасталиклари билан



## Сутнинг пайдо бўлиши...

ва унинг яхшироқ ишлашига имкон берадиган омиллар мавжудлиги ҳам аниқланган.

Она сути махсус яратилганлиги боис, у чақалоқлар учун энг осон ҳазм бўладиган овқатдир. Озиқ жиҳатдан жуда бой бўлишига қарамай, у чақалоқнинг нозик ҳазм қилиш тизими томонидан осонликча ҳазм қилинади. Чақалоқ ҳазм қилиш учун унча кўп энергия сарфламалиги сабабли, у бу энергияни бошқа тана функциялари фаолиятини тиклаш, аъзоларнинг ўсиши ва ривожланиши учун ишлатади. Муддатидан олдин кўзи ёриган оналарнинг сутини чақалоқнинг эҳтиёжларини қондириш учун юқори даражадаги ёғ, оқсил, қанд, натрий, хлорид ва темир моддаларини ўз ичига олган бўлади. Она сутини билан боқилган эрта туғилган чақалоқларда кўз функциясининг яхшироқ ривожланиши ва улар ақлий тестларни яхшироқ бажариши аниқланган. Шунингдек, улар жуда кўп бошқа устунликларга ҳам эга.

Янги туғилган чақалоқнинг ривожланиши учун она сутининг аҳамиятли жиҳатларидан бири шундаки, у омега-3 ёғ алфа линолеик кислоталарни ўз ичига олади. Инсон мияси ва кўзнинг тўр пардаси учун муҳим бирикма бўлиши билан бирга, она сутини янги туғилган чақалоқлар нўқтаи назаридан олиб қараганда жуда катта аҳамиятга ҳам эгадир. Омега-3 ҳомиладорлик ва чақалоқликнинг дастлабки босқичлари давомида мия ва асабларнинг нормал ривожланиши учун айниса аҳамиятлидир. Олимлар она сутини омега-3 нинг табиий ва мукамал манбаи деб, унинг аҳамиятлигига алоҳида урғу беришади. Бундан ташқари, Бристол университети олимлари томонидан ўтказилган тадқиқот она сутининг узок муддатли фойдалари билан бир қаторда унинг қон босимига нисбатан ижобий таъсирга эга эканлигини ва шу сабабли юрак

деярли оғримайди. Она сутида узун ҳалқа политўйинмаган ёғли кислоталарнинг мавжудлиги (булар артериялар қаттиқлашувининг олдини олади) ҳамда она сутини билан озиқланган чақалоқлар камроқ натрий истеъмол қилиши (бу қон босими билан боғлиқ) натижасида чақалоқнинг ортиқча семириб кетмаслиги она сутининг юракка алоқадор касалликларнинг олдини олишдаги манфаатларидандир.

Бундан ташқари, АҚШнинг Синсинатти Болалар шифохонаси саломатлик марказида фаолият кўрсатувчи Доктор Лиза Мартин бошчилигидаги гуруҳ она сутида адипонектин деб аталадиган оқсил гормонининг юқори даражаларини топишди. Адипонектиннинг қондаги юқори даражалари юрак хуружи хавфини камайтириш билан боғлиқдир.

Адипонектиннинг паст даражалари жуда семиз ҳамда юрак хуружи хавфи юқори бўлган одамларда кузатилади. Шу боис, она сутини билан озиқланган чақалоқларда ўта семириб кетиш хавфи шу гормон туфайли камайиши исботланган. Шунингдек, улар она сутида ёғ моддалар алмашинувида асосий ўрин тутувчи лептин деб номланган бошқа бир гормоннинг мавжудлигини аниқлашди. Лептин танада ёғ борлиги ҳақида мияга сигнал беради, деб тахмин қилинади.

Доктор Мартиннинг айтишича, чақалоқликда она сутини орқали сўрилган бу гормонлар шунинг учун ҳам жуда семизлик, 2-тур диабет, инсулин қаршилиги ва юрак артерия томирлари хасталиги каби касалликларнинг пайдо бўлиш хавфини камайтиради.

Она сутининг мўъжизавий озук эканлиги ҳақидаги далиллар шу билан чекланиб қолмайди. Чақалоқнинг соғлиги учун она сутининг аҳамияти чақалоқнинг ўсиш жараёнидаги маълум бир босқичларда қандай озиқ-овқат

талаб қилинишига кўра ўзгариб боради.

Она сутининг таркиби шу босқичларда зарур бўлган эҳтиёжларни қондириш учун янгиланади. Ҳар доим ва энг маъқул ҳароратда тайёр она сутини қанд ва ёғни ўз ичига олганлиги боис, мия ривожланишида катта рол ўйнайди. Бундан ташқари ундаги калций каби элементлар чақалоқ суякларининг ривожланиши учун катта аҳамиятга эга. Сут деб аталсада, бу мўъжизавий бирикманинг аксарият қисми аслида сувдан ташкил топади. Бу жуда муҳим хосса демакдир, чунки овқатга қўшимча равишда, чақалоқлар сув шаклидаги суюқликка ҳам эҳтиёж сезишади. Сув ёки бошқа озиқ-овқатларда она сутидан устунроқ гигиена таъминланган эмас. 90% дан кам бўлмаган сувдан иборат она сутини энг гигиеник тарзда боланинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиради. Илмий изланишлар кўкрак сутини билан озиқланадиган чақалоқларнинг ақлий ривожланиши бошқа чақалоқларникига нисбатан яхшироқ эканлигини тасдиқлайди. Кентукки университети эксперти Жеймс У. Андерсоннинг кўкрак сутини билан озиқланувчи ва сунъий озиқланувчи чақалоқлар ўртасидаги қиёсий таҳлили кўкрак сутини билан озиқланадиган чақалоқларнинг ақлий ривожланиш даражаси бошқа чақалоқларга нисбатан 5 балл юқорироқ эканини исботлайди. Унинг тадқиқоти натижасида шу нарса аниқландики, она сутини орқали 6 ойгача ақлга ижобий таъсир кўрсатилади ва 8 ҳафтадан кам эмизилган болаларда ақлий ривожланиш даражаси ижобий тарафга ўзгармайди.

**Интернет ижтимоий тармоғидан олинди**

### “ERKIN YURT”

интернет-газетаси  
Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий  
нашри  
www.uzxalqharakati.com/erkin yurt  
Муҳаррир: Замир Малик